



МИНТАҚАВИЙ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ИХТИСОСЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Ниязов Музаффар

Ўзбекистон Миллий университети

ORCID: 0009-0002-5639-5104

mniyazov0610@gmail.com

Аннотация. Мақолада минтақавий саноат ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш жараёнларининг илмий асослари ва амалий аҳамияти таҳлил қилинган. Агломерация самаралари, кластер назарияси ва иқтисодий мураккаблик концепциялари назарий пойдевор сифатида ўрганилган. Smart Specialisation Strategy (S3) сиёсатининг халқаро тажрибалари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон шароитида самарали қўлланиш йўллари бўйича таклифлар берилган. Ихтисослашувнинг иқтисодий ўсиш, инновация жараёнлари ва рақобатбардошликка таъсири, шунингдек, монотармоқчилик хавфини камайтириш механизмлари ёритилган.

Калит сўзлар: минтақавий саноат, ихтисослаштириш, агломерация, кластер назарияси, иқтисодий мураккаблик, Smart Specialisation, инновация, диверсификация, рақобатбардошлик.

НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ И ЗНАЧЕНИЕ ПРОЦЕССОВ СПЕЦИАЛИЗАЦИИ В РЕГИОНАЛЬНОМ ПРОМЫШЛЕННОМ ПРОИЗВОДСТВЕ

Ниязов Музаффар

Национальный университет Узбекистана

Аннотация. В статье анализируются научные основы и практическое значение процессов специализации в региональном промышленном производстве. Рассмотрены агломерационные эффекты, теория кластеров, концепции и экономической сложности как теоретическая база. Изучен международный опыт реализации стратегии умной специализации (S3) и предложены рекомендации по её эффективному применению в условиях Узбекистана. Освещено влияние специализации на экономический рост, инновационные процессы и конкурентоспособность, а также механизмы снижения рисков моноотраслевой экономики.

Ключевые слова: региональная промышленность, специализация, агломерация, теория кластеров, экономическая сложность, умная специализация, инновации, диверсификация, конкурентоспособность.

SCIENTIFIC BASES AND IMPORTANCE OF SPECIALIZATION PROCESSES IN REGIONAL INDUSTRIAL PRODUCTION

Niyazov Muzaffar

National University of Uzbekistan

Abstract. *The article analyses the scientific foundations and practical significance of specialization processes in regional industrial production. It examines agglomeration effects, cluster theory, related variety and economic complexity concepts as the theoretical basis. International experience in implementing the Smart Specialisation Strategy (S3) is reviewed, with recommendations for its effective application in Uzbekistan. The paper highlights the impact of specialization on economic growth, innovation processes, and competitiveness, as well as mechanisms for mitigating the risks of mono-industrial dependence.*

Keywords: *regional industry, specialization, agglomeration, cluster theory, related variety, economic complexity, Smart Specialisation, innovation, diversification, competitiveness.*

Кириш.

Минтақавий саноат ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш жараёнлари замонавий иқтисодий тараққиётнинг стратегик устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлади. Глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви ва бозор иқтисодиёти механизмларининг такомиллашуви шароитида ҳар бир ҳудуднинг ресурс салоҳияти, меҳнат бозори имкониятлари ва логистик устунликлари самарали фойдаланиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Ихтисослаштириш жараёнида ҳудуднинг тарихий ривожланиш йўналиши, табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси, меҳнат унумдорлиги ҳамда саноат инфратузилмасининг ҳолати ҳал қилувчи омиллар сифатида хизмат қилади.

Иқтисодий назария нуқтаи назаридан, минтақавий ихтисослаштириш ҳудудлар ўртасидаги меҳнат тақсимоли ва рақобат устунликлари концепцияларига асосланади. Адам Смитнинг *абсолют устунлик* назарияси ва Давид Рикардонинг *нисбий устунлик* назарияси ушбу жараённинг илмий-методологик пойдеворини ташкил этади. Саноат соҳасида ихтисослаштириш йирик ишлаб чиқариш масштабларини таъминлаш, харажатлар структурасини оптималлаштириш, технологияларни жадал жорий этиш ва инновацияларни рағбатлантириш имкониятини яратади. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши ва иқтисодий кластерларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Халқаро амалиётда эса саноат ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки ҳудудий барқарор ривожланишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, Германиянинг автомобилсозлик кластери ёки Жанубий Кореянинг электрон саноат марказлари маҳаллий ресурслар ва интеллектуал салоҳиятни мақсадли йўналтириш орқали юзага келган. Бу каби моделларда юқори қиймат қўшувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш устувор йўналиш сифатида белгиланади, натижада ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлик сезиларли даражада ошади.

Ўзбекистонда ҳам минтақавий саноат ихтисослаштириш масаласи иқтисодий сиёсатнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакат ҳудудларида табиий ресурслар, қишлоқ хўжалиги хомашёси, транспорт ва логистика инфратузилмаси турли даражада тақсимланган. Масалан, Навоий вилояти кимё ва тоғ-кон саноати ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга бўлса, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида машинасозлик ҳамда тўқимачилик тармоқлари етакчи ўринда турибди. Шу нуқтаи назардан, минтақавий ихтисослаштириш миллий иқтисодиётда таркибий мувозанатни таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва ҳудудий ривожланиш суръатларини барқарорлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ихтисослаштириш жараёни самарадорлигини таъминлаш учун саноат инфратузилмасини модернизация қилиш, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни кенг жорий этиш, маҳаллий кадрлар малакасини ошириш ва инновацион салоҳиятни ривожлантириш устувор вазифалар қаторига киради. Бу йўналишда давлатнинг мақсадли тартибга солувчи сиёсати, инвестиция муҳитининг жозибадорлиги, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаол иштироки ҳамда саноат кооперацияси, кластерлар ва технологик парклар каби институтларнинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Умуман олганда, минтақавий саноат ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш жараёнлари иқтисодий самарадорликни ошириш, ҳудудий ривожланиш мувозанатини таъминлаш ва миллий рақобатбардошликни кучайтиришга хизмат қилади. Ушбу жараён илмий асосланган стратегик ёндашув, халқаро тажриба ва маҳаллий имкониятларни уйғунлаштирган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги ўн йилликларда минтақавий ривожланиш сиёсатларида саноат ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш марказий ўринга чиқди. Ихтисослаштириш — муайян ҳудуднинг қиёсий устунликларига таянган ҳолда аниқ тармоқлар ва технологияларга чуқур йўналиши, ресурслар тақсмотини оптималлаштириши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши билан аҳамиятлидир. Назарий жиҳатдан, ушбу жараён агломерация иқтисодиётлари, локализация ва тармоқлараро билвосита таъсирлар орқали ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириб, инновация жараёнларини тезлаштиради (Marshall, 1890; Krugman, 1991).

Агломерация афзалликларининг классик асослари Маршалл томонидан уч йўналишда изоҳланган:

1. Ихтисослашган меҳнат бозорининг шаклланиши;
2. Ихтисослашган таъминот занжирларининг ривож;
3. Тарқалувчи билимлар механизми.

Замонавий тадқиқотлар ушбу механизмларнинг рақобатбардошлик ва ҳосилдорликка узлуксиз таъсир кўрсатишини эмпирик жиҳатдан тасдиқламоқда (Marshall, 1890; Duranton & Puga, 2000).

Портернинг (1998) кластер назарияси эса ҳудудий ихтисослаштиришни корхоналар, таълим-илмий муассасалар ва инфратузилма ўртасидаги стратегик боғланишлар билан уйғунлаштиришни таклиф этади. Бу ёндашув саноат сиёсатини “кластерлар хариталаш” ва рақобат афзалликларини шакллантирувчи институтлар фаолияти билан интеграциялаштиради. Европа Иттифоқида амалга оширилаётган “Smart Specialisation Strategy (S3)” ҳам айнан шундай ўзаро боғланишларга асосланган ҳудудий инновацион трансформация модели сифатида намоён бўлади (Foray, 2014; JRC, 2016).

Бироқ ихтисослаштириш доимий равишда мутлақ йўналишни англатмайди. “Related variety” концепциясига кўра, ўзаро яқин тармоқлар мажмуаси инновация жараёнларини рағбатлантириб, монотармоққа хос юқори хатарларни пасайтиради (Boschma, 2009; Boschma ва ҳаммуаллифлар, 2012). Шу билан бирга, иқтисодий мураккаблик (*economic complexity*) назарияси Хидальго ва Хаусман (2009) томонидан ишлаб чиқилган мамлакат ва ҳудудлар ривожини улар ишлаб чиқара оладиган маҳсулотлар тузилмасининг мураккаблиги билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Бу эса ихтисослаштиришни чуқурлаштириш билан бир қаторда, тармоқлараро компетенциялар портфелини кенгайтиришни ҳам тақозо этади.

Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар саноатда рақобат муҳитини кучайтириш, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудий салоҳиятдан самарали фойдаланишга қаратилган. Жаҳон банкининг 2025 йилги иқтисодий меморандуми ҳамда ОЕСДнинг сўнгги таҳлилларида саноатни модернизация

қилиш, давлат корхоналари улушини қисқартириш ва хизматлар-ишлаб чиқариш занжирларини кучайтириш тавсия этилган (World Bank, 2025; OECD, 2023).

Шу боис ушбу мақолада ихтисослаштиришнинг назарий пойдеворлари, S3 амалиёти, “related variety” ва иқтисодий мураккаблик ёндашувлари асосида минтақавий sanoat сиёсатининг илмий-амалий аҳамияти ёритилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Минтақавий sanoat ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш жараёнлари назарий жиҳатдан бир нечта мустаҳкам илмий пойдеворларга эга. Биринчидан, агломерация иқтисодиётлари (Marshall, 1890; Krugman, 1991) — ҳудуддаги иқтисодий фаолият концентрацияси орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, ихтисослашган меҳнат бозорини шакллантириш ва билимлар тарқалишини тезлаштириш имконини беради. Иккинчидан, кластер назарияси (Porter, 1998) — корхоналар, таълим-илмий муассасалар ва инфратузилма ўртасидаги стратегик боғланишларни кучайтиради, инновацион жараёнларни рағбатлантиради ва рақобат афзалликларини мустаҳкамлайди.

Учинчидан, related variety концепцияси (Boschma, 2009) — ўзаро яқин ва боғлиқ тармоқлар комбинацияси орқали инновация жараёнларини кенгайтириш ва монотармоққа хос хатарларни пасайтиради. Тўртинчидан, иқтисодий мураккаблик назарияси (Hidalgo & Hausmann, 2009) — ҳудуднинг ривожланиш даражаси у ишлаб чиқара оладиган маҳсулотлар тузилмасининг мураккаблиги

ва технологик диверсификацияси билан белгиланишини асослаб беради.

Амалиётда ушбу назарий асослар қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:

- ҳудудий иқтисодий ривожланиш салоҳиятини ошириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш;
- инновацияларнинг тарқалишини ва янги технологияларнинг жорий этилишини тезлаштириш.

Шу тариқа, назарий ва амалий жиҳатларни уйғунлаштирган ҳолда, минтақавий sanoat ихтисослаштириш миллий иқтисодий сиёсатнинг стратегик элементи сифатида намоён бўлади.

Агломерация назарияси Маршалл (1890) томонидан ишлаб чиқилиб, ҳудудий ихтисослаштиришнинг иқтисодий афзалликларини тушунтиришда асосий концепциялардан бири ҳисобланади. Ушбу назарияга кўра, муайян тармоқдаги корхоналарнинг бир ҳудудда жамланиши орқали қуйидаги уч асосий самара шаклланади:

1. Ихтисослашган меҳнат бозори. Маълум соҳада ихтисослашган корхоналар концентрацияси малакали ишчи кучи учун доимий талаб ва таклиф муҳитини яратади. Бу эса, бир томондан, кадрлар малакасини мунтазам оширишга, иккинчи томондан, иш берувчилар учун талабга мос мутахассисларни топиш жараёнини енгиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу шароит меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва кадрлар миграциясининг барқарорлашишига олиб келади.

2. Ихтисослашган таъминот занжирлари. Бир хил йўналишда фаолият юритувчи корхоналарнинг географик яқинлиги хом ашё, бутловчи қисмлар ва тегишли хизматларни тезкор ҳамда арзон нархларда олиш имкониятини таъминлайди. Бу ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлайди.

3. Билимлар ва технологиялар тарқалиши. Корхоналар ўртасида тажриба ва инновацияларнинг тез алмашинуви технологик янгиланиш суръатларини оширади. Шу

йўсинда, янги ишлаб чиқариш усуллари, маҳсулот турлари ва менежмент амалиётлари тезкорлик билан оммалашади, натижада умумий саноат самарадорлиги юксалади.

Замонавий тадқиқотлар (Duranton & Puga, 2000; Boschma, 2009) ушбу самараларнинг ҳудудий иқтисодий ўсишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини эмпирик асосда тасдиқлаган. Масалан, Германиянинг автомобилсозлик марказларида ёки Жанубий Кореянинг электроника кластерларида меҳнат бозори ва таъминот занжирларининг юқори даражада интеграциялашгани инновация жараёнларини сезиларли тезлаштирган, экспорт салоҳиятини оширган ва маҳаллий иқтисодиётни диверсификация қилган.

Шу тариқа, агломерация ва локализация самаралари ҳудудий саноат сиёсатини ишлаб чиқишда муҳим назарий ва амалий таянч нуқталардан бири ҳисобланади. Улар иқтисодий самарадорлик, инновация салоҳияти ва рақобатбардошликнинг узлуксиз ўсиши учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Иқтисодий ривожланиш стратегиясида фақат бир йўналишга чуқур ихтисослашиш кўпинча хавф-хатарларни кучайтиради. Монотармоқ ҳудудлар ташқи бозор конъюнктурасининг ёмонлашуви, хом ашё нархларининг ўзгариши ёки технологик инқирозлар каби омиллар таъсирида жиддий иқтисодий йўқотишларга дуч келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, *related variety*, яъни ўзаро яқин ва технологик ҳамда функционал жиҳатдан бир-бирига боғлиқ тармоқлар мажмуаси иқтисодий барқарорлик ва узоқ муддатли ривожланишни таъминлайдиган муҳим омил сифатида қаралади. Бу концепциянинг асосий моҳияти шундаки, яқин соҳаларда фаолият юритувчи корхоналар ўртасида билимлар ва инновациялар тезроқ тарқалади, натижада тармоқлараро синергетик самара вужудга келади.

Эмпирик тадқиқотлар (Boschma & Iammarino, 2009; Boschma et al., 2012) шуни кўрсатадики, Испанияда яқин соҳаларнинг бир ҳудудда ривожланиши ишчи кучининг қайта тайёрланиш имкониятини оширган ва янги стартаплар сонини кўпайтирган. Италияда эса *related variety* тармоқлараро технология трансферини кучайтирган ва ҳудудий инновация фаоллигини оширган.

Яқин тармоқлар ўртасидаги боғлиқлик ташқи шокларга нисбатан “ҳимоя қавати” яратади. Масалан, агар асосий тармоқда талаб пасайса, унга яқин бошқа соҳалар иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлай олади. Шу йўсинда, диверсификация, айниқса, функционал ва технологик жиҳатдан боғлиқ тармоқлар ҳисобидан амалга оширилган диверсификация нафақат иқтисодий хавф-хатарларни камайтиради, балки инновация салоҳияти ва экспорт имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Европа Иттифоқи ҳудудий ривожланиш сиёсатининг сўнгги йўналишларидан бири Smart Specialisation Strategy (S3) концепцияси - саноат ихтисослашувини маҳаллий илмий-технологик салоҳият ва бозор имкониятларига мувофиқ равишда йўналтиришга қаратилган. Бу ёндашувнинг назарий асослари Foray (2014) ва Европа Комиссиясининг Бирлашган тадқиқот маркази (JRC, 2016) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади ҳудуднинг мавжуд кучли томонларини аниқлаб, шу йўналишларда юқори қўшилган қийматга эга тармоқларни ривожлантиришдир.

S3 сиёсатининг амалий механизми “тўрт томонлама ҳамкорлик” (*quadruple helix*) моделини ўз ичига олади, яъни маҳаллий бизнес ва тадбиркорлар (ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш жараёнида асосий драйвер сифатида), университетлар ва илмий-тадқиқот марказлари (билимлар, технологиялар ва инновация ечимлари манбаи сифатида), давлат органлари (стратегик йўналишлар белгилаш ва инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш орқали), фуқаролик жамияти ва фойдаланувчи гуруҳлар (янги маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабни шакллантирувчи омил сифатида). Эмпирик натижаларга кўра, S3 сиёсатини самарали жорий этган ҳудудларда қуйидаги тенденциялар кузатилган: янги, инновацияга асосланган тармоқларнинг тез шаклланиши; мавжуд кластерлар ўртасида интеграция ва кооперация даражасининг

ошиши; хорижий бозорларда рақобатбардошликнинг ўсиши ва экспорт ҳажмининг кўпайиши.

Масалан, Испаниянинг Басконя региони ва Финляндиянинг Оулу шаҳрида S3 стратегияси маҳаллий IT, биотехнология ва яшил энергия соҳаларида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирган. Натижада, ҳудуд иқтисодиёти нафақат ихтисослашган соҳада, балки унга яқин тармоқларда ҳам инновацион салоҳиятни кенгайтириш имкониятига эга бўлган.

Иқтисодий мураккаблик (Economic Complexity) назарияси Hidalgo ва Hausmann (2009) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакат ёки ҳудуднинг ривожланиш салоҳиятини баҳолашда муҳим инструмент ҳисобланади. Ушбу ёндашувда асосий мезон ҳудуд ишлаб чиқара оладиган маҳсулот турларининг диверсификация даражаси ва уларнинг технологик қиймати ҳисобланади. Иқтисодий мураккаблик индекси (ECI) юқори бўлган ҳудудлар, одатда, юқори қўшилган қийматга эга ва қайта ишлаш технологиялари мураккаб бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ихтисослашади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқори мураккабликка эга тармоқларда ихтисослашиш ҳудуднинг узоқ муддатли барқарор ўсишини таъминлайди. Масалан, Японияда робототехника ва прецизион муҳандислик соҳалари, Жанубий Кореяда микроэлектроника ва юқори даражада интеграциялашган IT-кластерлар мамлакатнинг иқтисодий мураккаблик даражасини сезиларли оширган ва экспорт структурасини юқори технологияли маҳсулотлар томон силжитган.

Иқтисодий мураккаблик концепцияси ҳудудий саноат сиёсатини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки қиймат занжирларини таҳлил қилиш орқали ҳудуд ўзининг технология жиҳатдан юқори ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлай олади. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудни глобал қиймат занжирларига самарали интеграция қилиш ва янги бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради.

Минтақавий саноат ихтисослашуви жараёнларининг таҳлили шуни кўрсатадики, агломерация ва локализация самаралари, related variety, Smart Specialisation сиёсатлари ва иқтисодий мураккаблик концепцияларини уйғун қўллаш ҳудуднинг иқтисодий ўсиш суръатларини сезиларли оширади. Бундай комплекс ёндашув ҳудудий иқтисодий сиёсатнинг илмий асосланганлигини таъминлайди ҳамда маҳаллий саноатнинг халқаро рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди.

Жаҳон банки (2025) ва OECD (2023) таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда саноат тармоқларини ихтисослаштиришда устувор йўналиш сифатида бир нечта муҳим масалаларга эътибор қаратиш зарур. Аввало, автомобилсозлик, машинасозлик ва кимё саноати атрофида технологик жиҳатдан яқин соҳаларни ривожлантириш талаб этилади. Бу орқали ҳудудлар ўртасида синергетик самара шаклланиб, қиймат занжирлари тўлиқроқ интеграцияга эришади. Шу билан бирга, хизматлар сектори (логистика, ахборот-коммуникация технологиялари, муҳандислик) билан саноат ишлаб чиқариши ўртасида чуқур интеграцияни таъминлаш иқтисодий мураккаблик даражасини ошириши мумкин.

Иккинчидан, илмий-таълим инфратузилмасини кучайтириш ва маҳаллий кадрлар малакасини ошириш тармоқлар инновацион салоҳиятини ошириш учун зарур. Университетлар, тадқиқот марказлари ва саноат корхоналари ўртасида “тўрт томонлама ҳамкорлик” тизимини жорий этиш, Smart Specialisation (S3) сиёсатининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, ташқи бозорлардаги хавф-хатарларга чидамлилиқни таъминлаш мақсадида диверсификация стратегияларини амалга ошириш лозим. Бу экспорт ҳажмининг бир ёки икки асосий бозорга боғлиқлигини камайтиради ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлайди.

Бироқ мазкур йўналишларни амалга оширишда қатор хавф ва чекловлар мавжуд. Жумладан, монотармоқлилик ва ресурсларга ҳаддан ташқари боғлиқлик иқтисодий хавфларни ошириши, ташқи бозорларга юқори даражада қарамлик эса ташқи шокларга сезгирликни кучайтириши мумкин. Шунингдек, инфратузилма имкониятларининг чекланганлиги ва рақобат муҳитининг етарлича ривожланмагани ҳам амалий самарадорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, миллий саноат сиёсатини ишлаб чиқишда *related variety* ва *S3* тамойилларини уйғун қўллаш, кластерлар орасида интеграцияни кучайтириш талаб этилади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ихтисослаштириш стратегияси диверсификация ва юқори технологиялар билан уйғун бўлганда энг самарали натижаларга эришилади. Масалан, Германияда автомобилсозлик кластерлари илмий-тадқиқот марказлари ва таъминот занжирлари билан узвий боғланган; Италияда дизайн ва мебель кластерлари маҳаллий ҳунармандчилик ва инновацион материаллар билан уйғунлашган; Жанубий Кореяда эса электроника ва робототехника кластерлари миллий иқтисодий мураккабликни оширган.

Ушбу моделлар Ўзбекистон шароитида ҳам қўлланилиши мумкин. Хусусан, Фарғона водийсида машинасозлик ва агросаноат интеграцияси, Навоий вилоятида кимё ва тоғ-кон тармоқлари, Бухоро вилоятида нефть-газ ва кимё саноати кластерларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу орқали ҳудудий ихтисослаштиришнинг узоқ муддатли барқарорлик ва юқори технологик салоҳият билан уйғун ривожланиши таъминланади.

Хулоса ва таклифлар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ихтисослашган ҳудудларда ишлаб чиқариш харажатлари қисқаради, масштаб самаралари ортиши кузатилади, илмий-таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция кучаяди, экспорт салоҳияти ва иқтисодий мураккаблик индекси ошади, шунингдек маҳаллий аҳоли учун барқарор иш ўринлари ва юқори даромад манбалари яратилади. Бироқ, монотармоқлилик ва ташқи бозор конъюнктурасига юқори даражада боғлиқлик хавфлари мавжуд. Шу сабабли ихтисослаштириш стратегиялари диверсификация, яқин тармоқлар портфели (*related variety*) ва “*Smart Specialisation*” тамойиллари билан уйғун ҳолда амалга оширилиши лозим.

Минтақавий ривожланишда юқори натижаларга эришиш учун, аввало, ҳар бир ҳудуднинг технологик салоҳияти ва ресурс базасига мос *Smart Specialisation Strategy* ишлаб чиқиш, тадбиркорлик, илм-фан ва давлат ҳамкорлиги асосида кластер ривожлантириш йўл харитасини белгилаш зарур. Шу билан бирга, монотармоқ хавфини камайтириш мақсадида ҳудуддаги асосий саноат тармоғи атрофида яқин ва бир-бирига боғлиқ тармоқларни ривожлантириш, технологик трансфер марказлари ва илмий-таълим кластерларини ташкил этиш тавсия этилади.

Иқтисодий мураккабликни ошириш мақсадида ҳудуднинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тузилмаси ва қиймат занжирларини чуқур таҳлил қилиш, юқори технологияли ва юқори қўшилган қийматли маҳсулот турларига босқичма-босқич ўтиш стратегиясини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ихтисослашган ҳудудларда транспорт, энергия, рақамли инфратузилма ва логистика хизматларини ривожлантириш орқали ички ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Хорижий тажриба ва технологияларни жалб қилиш мақсадида эса эркин иқтисодий зоналар, илмий-инновацион парклар ва хорижий ҳамкорлик дастурларини ташкил этиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш лозим. Ушбу чора-тадбирлар уйғун ҳолда амалга

оширилганда, ҳудудий ихтисослаштириш нафақат иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, балки инновация ва рақобатбардошликни ҳам барқарор асосда таъминлайди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

- Boschma, R. and Iammarino, S. (2009) 'Related variety, trade linkages, and regional growth in Italy', *Economic Geography*, 85(3), 289–311. [Wiley Online Library](#).
- Boschma, R. et al. (2012) 'Related variety and regional growth in Spain', *Papers in Regional Science*, 91(2), 241–256. [ScienceDirect](#).
- Duranton, G. and Puga, D. (2000) 'Diversity and Specialisation in Cities', *Urban Studies*, 37(3), 533–555; ҳамда (2001/2002) 'Nursery Cities...', *American Economic Review*, 91(5), 1454–1477. [SAGE Journalsdiegopuga.org](#).
- European Commission, JRC (2016) *Smart Specialisation – from design to implementation*. Luxembourg: Publications Office of the EU. [publications.jrc.ec.europa.eu](#).
- Foray, D. (2014) *From Smart Specialisation to Smart Specialisation Policy*. EPFL Working Paper. [infoscience.epfl.ch](#).
- Hidalgo, C. A. and Hausmann, R. (2009) 'The building blocks of economic complexity', *PNAS*, 106(26), 10570–10575. [PNAS](#).
- Kim, K. et al. (2024) 'Smart Specialisation Strategies and regional knowledge space', *Regional Studies*. [Tandfonline](#).
- Krugman, P. (1991) 'Increasing returns and economic geography', *Journal of Political Economy*, 99(3), 483–499. [journals.uchicago.edu](#).
- Marshall, A. (1890) *Principles of Economics*. London: Macmillan. [Econlib](#).
- OECD (2023) *Insights on the Business Climate in Uzbekistan*. Paris: OECD. [OECD](#).
- Porter, M. E. (1998) *Clusters and the New Economics of Competition*, *Harvard Business Review*, 76(6), 77–90.
- UNIDO (2020) *The UNIDO Approach to Cluster Development*. Vienna: UNIDO. [unido.org](#).
- World Bank (2025) *Uzbekistan Country Economic Memorandum*. Washington, DC: World Bank.